

**“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти Ягона акциядорининг
7-сонли қарори**

2020 йил 7 декабр

Тошкент шаҳри

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 84 984 790 095 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш Агентлигига тегишли бўлиб, Агентлик жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан куйидаги масалалар юзасидан кабул килинди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ижро аппарати янги тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раиси У.М.Мустафоев сўзга чикиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармонининг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган Йўл харитаси ишлаб чиқилганлигини ва ушбу Йўл харитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сон топшириги билан тасдиқланганлигини маълум қилди.

Мазкур Йўл харитасининг 3.2. - бандида 2020 йилнинг 1 ноябрига қадар “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тузилмасида Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати тизимиға масъул бўлган янги бўлинмани ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўз навбатида, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ижро аппаратининг амалдаги тузилмаси Жамият Ягона акциядорининг 2020 йил 9 мартағи 2-сон қарори билан тасдиқланган бўлиб, ўнга кўра бошқарув ходимларининг умумий сони 110 та этиб белгиланган.

Шу билан бирга, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган Йўл харитаси ижросини таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизматини ташкил этилишини назарда тутган “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ижро аппаратининг янги тузилмаси лойиҳаси Жамият штатлар жадвали доирасида (бошқарув ходимларининг умумий сони 110 тадан ошмаган ҳолда) ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари» ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддасига биноан акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи акциядорларнинг умумий йиғилиши (ёки барча овоз берувчи оддий акциялари эгаси) ваколатига киришини инобатга олиб, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, қарор қиласиди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ижро аппаратининг янги тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга Жамият ижро аппаратининг янги тузилмасидан келиб чиқиб, Жамиятнинг штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини амалга ошириш топширилсин.
3. Белгилаб қўйилсинки “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизматининг ҳисботлари хар чоракда Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисларида кўриб чиқилади.

Давлат активларини бошқариш
Агентлиги директори ўринбосари в.б.

M.Sab

Т.Набиев

(Жекароғ)

(Мустафоев)

Муродов

Д.Дондуков

Л.Л.Лебедев

«Hududiy elektr tarmoqlari» AJ
Ягона акциядорининг 2020 йил
7 декабрдаги 7-сонли карорига
ИЛОВА

«Худудий электр тармоқлари» AJ ижро аппарати
Тузилмаси

